



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

**“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА
ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”**

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

**5 февраль 2021 йил
Бухоро**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 февраль. Бухоро

Тўпладан республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда Алишер Навоий ижодининг турли қирралари, уни ўрганиш масалаларига доир илмий кузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:
Р.Ражабова, Н.Қодирова, Н.Ўроқова

Тақризчилар:
Ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.н. Т.Асадов

Мазкур илмий тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги 4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

теран mushohadali, o'tkir zehqli, ziyrak aqlli bola edi. Asardagi talqinlar kitobxonning tasavvurlarini teranlashtiradi.

Navoiy hayoti shunchalar katta bir ummonki, unda xohlagan bir muammoga yechim topiladi. Biz yuqoridagi asarlar tahlili orqali bu ummonning bir tomchisinigina o'rganishga harakat qildik. Bu ummondagi durlarning adog'i yoq. Kichkina bir iste'dodning ulkan daho darajasiga yetishi o'ziga xos tarzda talqin etib berilgan ushbu tarixiy asarlar o'zbek adabiyotining o'lmas namunalari bo'lib saqlanib qolishi qatorida buyuk iste'dod sohibi bo'lgan bobokalonimiz Alisher Navoiy shaxsiga, uning bemisl ijodiga bo'lgan qiziqashlarimiz va mehrimizni oshirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Ойбек Бола Алишер. – Т.: Чўлпон, 1995. – 80 б.
2. Осим М.Карвон йўлларида. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 523 б.
3. Qodirov P. Ona lochin vidosi. – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – 303 б.

КИЧИК ЖАНРЛАР ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ НАВОИЙНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ (И.Ҳаққул ижоди мисолида)

Насима Қодирова,
БухДУ таянч докторант

Навоий асарларини шарҳлаш, талқин этиш, бадий матн сир-синоатини очиш, тафсирлаш зарурати ва эҳтиёжни чуқур англаган навоийшунос олим И.Ҳаққул мустақиллик арафасида хайрли бир ишга қўл урди. Шоир қитъалари мазмунини ўрта ёшдаги мактаб болаларига мўлжаллаб, шарҳлашга киришди. Олим Навоий ижодини тарғиб қилиш борасидаги илмий изланишларини давом эттириб, “Камол эт касбким” китобини нашр эттирди. Энг аввало, қитъанинг жанрий хусусиятларига тўхталиб, унинг тожик, эрон, турк ва бошқа халқлар олимлари томонидан берилган таърифларига, унинг мустақил поэтик белгиларига эга, фасоҳатли, хушбаён, мухтасар маъноларни билдиришига, “Хазойин ул-маоний”даги 210 қитъанинг шоир шеъриятида катта ўрин тутишига эътибор қаратди.

Бу китобда муаллиф Навоий ижодиётининг муайян қисми – қитъа жанридаги шеърларини ўрганади ва уларнинг мазмун-моҳиятини теран таҳлил этиб, ёш китобхонлар ҳамда улуғ шоир ижодиёти мухлисларига тақдим қилади.

Маълумки, қитъа ҳажми аниқ белгиланмаган шеърый жанр бўлиб, шарқ мумтоз шеъриятида уч байтдан ўн икки байтгача бўлган намуналари

учрайди. Қитъада ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар ифодаланган, шоирлар ҳаётӣ-реалистик қарашлари, давр ва замонга муносабатларини акс эттирганлар. И.Ҳаққуловнинг тадқиқ этишича, ўзбек мумтоз адабиётида қитъанинг тўрт байтдан ортиқлари кам учрайди. “Ғадоий, Лутфий, Бобур, Оғаҳий, Мирий ва бошқа классик шоирларимизнинг қитъалари икки, уч, тўрт байтлидир... Алишер Навоийнинг “Ҳазойин-ул маоний” девонидаги 210 та қитъадан 200 га яқини икки, уч, тўрт байтли. Бу тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Чунки, классик санъаткорларимиз мумкин қадар ихчамликка интиланлар”[Ҳаққулов, 1991.6-б.]

Таъкидлаш жоизки, асар юзасидан амалга ошириладиган ҳар қандай фаолият фақат матнга таяниши, матндан келиб чиқиши, матннинг жозибасини очишга хизмат қилиши лозим[Йўлдошев, 43 бет]. Ана шу тамойилга амал қилиб, Алишер Навоий қитъаларини таҳлил қилишда Иброҳим Ҳаққул яна ўша ўзи танлаган соддалик ва қизиқарлилик йўлидан боради. Олим ҳар бир қитъани шарҳлар экан, фақат шу қитъа атрофида ўралашиб қолмайди, балки унинг мазмунини кенгроқ очиб бериш учун ривоят ва афсоналардан, бошқа шоирларнинг адабий меросидан, замондош шоирларнинг асарларидан, диний манбалардан маълум билим ва тушунчалардан ўз ўрнида фойдаланади. Бу услуб муаллифнинг билим ва маълумот доираси нақадар кенглигини кўрсатади, шу билан бирга ўқувчи қалбига равон йўл очади ва хотирасида яхшироқ қолиши учун имкон беради.

Шоирнинг “Камол эт касбким...” қитъасини талқин этишда олим энг аввало, сўзнинг луғавий маъносига диққат қаратади:

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Камол касб этмоқ дегани беҳад кенг ва теран тушунча. Қитъани ўқиганда, аввало мана шу тўғрида мулоҳаза юритиш керак деб ҳисоблайди олим ва “Лисон ут-тайр”даги тўрт унсурга тўхталади. Ундан келиб чиқиб, “Ҳазрат Навоий “Камол эт касбким” дея даъват қилганларида комиллик учун зарур жуда кўп хусусиятларни назарда тутганлар. Киши ўзини ҳирс, тама, нафс, ғафлат, нодонлик сингари майлларидан покламаса, у ҳеч пайт комил бўлолмайди. Комиллик учун улкан инсоний қалб, уни нурлантирувчи сўнмас ишқ ва кенг қамровли тафаккур зарур”[Ҳаққулов, 1991.23-б.], – деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам бу фазилатлар бўлмас экан, маънавий руҳий мукамаллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас дея ёш китобхонга уқтиради. Бу фазилатлардан қайси бири етишмаса, инсон ҳаммомга кириб, нопок чиққандай ўзини ҳис этади.

Бадий матн таҳлилида амал қилинадиган энг муҳим тамойиллардан бири ҳар қандай илмий таҳлил фақат шахсий фикр ифодаси бўлиб, у ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатлик даъвосини қилиши мумкин эмаслигидир. Синчи қанчалик билимдон, талантли, тажрибали ва моҳир бўлишига қарамай, у амалга оширган таҳлил шахсий мулоҳаза, субъектив қараш мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатлар ҳаммага бирдай тегишли бўлса, эстетик ҳақиқатлар ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Ҳар бир ўқувчи, китобхон, мутахассис ҳар қандай асарни ўзича ўқийди, ўзича тушунади, ўзича таъсирланади, ўзича ҳис этади. Демакки, ўзича хулоса ҳам чиқаради[Йўлдошев. 50-б.]. Ушбу тамойилни ҳамиша ёдда тутган олим матн хулосаси ҳақида охириги нуқтани қўйишдан чекланади. Ўз таҳлилларини ҳам, матнга доир башқа олимлар таҳлилларини ҳам мунтазам кузатиб, зарурат бўлганда ўз фикрларини тўлдириш йўлидан боради.

Шу ўринда бир жиҳат эътиборни тортади. Олим “Тасаввуф ва шеърият” китобида ўзининг охириги бир фикрига қарши чиқади. У “Кимки ўзлик иморатин бузди...” деб номланган мақолада Навоий ва тасаввуф масаласига тўхталар экан, таҳлил жараёнида “Камол эт касбким...” қитъаси таҳлилига янада чуқурроқ ёндошади, талқин имкониятларини кенгайтиради. Бунинг учун, аввало, ушбу қитъа ҳақида фикр юритган олимларнинг мулоҳазаларини таҳлилга тортади. Р.Орзибековнинг қитъанинг ахлоқий - таълимий маъзи кучлилиги, шоир кишиларни илм-хунар ўрганишга чақириши ҳақида тўхталар экан, ростдан ҳам шеърда шундай талаб ва чақириқ борми, деб ўз олдига савол қўяди. Бунга жавоб қайтариш учун бошқа олимларнинг мулоҳазаларига мурожаат этиб, бир қатор таҳлилларни кўздан кечиради, айрим таҳлилларнинг Навоий кўзлаган мақсаддан анча йироқлиги олим эътирозига сабаб бўлади. Уларга муносабатини Э.Воҳидовнинг Навоий ғазалларининг айрим таҳлиллари ҳақидаги сўзларини келтириш орқали очиқ-ойдин кўрсатади: “Ғазалнинг мазмунини жўн гапириб бериш – таҳлил эмас. Бу ғазални ечинтириш. Уни шоҳона либосдан холи қилиб, очиқ танасини кўрсатиш, холос. Бундай таҳлил шеърхонни совутади, шоирни беобрў қилади” [Ҳаққулов,1991.135-б.].

Талабчан олим қитъанинг ўзи томонидан қилинган дастлабки таҳлилидаги нуқсонни ҳам очиқ тан олиб, уни тўғрилашга интилади. Қитъадан мақсад, дастлабги таҳлилдагидек, “инсоннинг жаҳон фарзанди мавқеига кўтарилиши, худди шу мавқе эса камолотнинг олий чўққиси” эмас. Олим тасаввуф таълимотини теран ўрганиши ва Навоийнинг ушбу қитъасида ушбу таълимот ёлқинлари аксланганини англаши натижасида “қитъада жаҳондир ўзни тўла озод айлашга даъват қилинган. Бу – тасаввуфдаги бош масала” дея хулоса қилади.

Бадиий асар таҳлилида ҳамиша суяниладиган тамойиллардан бири *тарихийлик*дир. Зеро, ҳар қандай адабий асарнинг муайян замонда, муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилган ва унда акс эттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша тарихий даврнинг тамғаси бўлади [Йўлдошев.73-б.]. Шу сабаб таҳлилга тортилган ҳар қандай бадиий асарнинг яратилган даврини билмай ва уни ҳисобга олмай туриб, матнни чуқур ўрганиш, теран таҳлил этиш ва ҳаққоний хулосага келишнинг имкони йўқ. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса муаллиф кўзлаган мақсад ва ғояни янглиш тушуниш, шунингдек, китобхонга ҳам нотўғри изоҳларни бериш мумкин.

Қитъалар таҳлилида И.Ҳаққулнинг илмий тафаккури ниҳоятда кенглиги, тарихни чуқур билган ҳолда тарихийлик тамойилидан моҳирона фойдаланиб илмий ва асосли хулосалар чиқара олиши яққол кўринади ва бу олим услубининг янги бир қиррасини намоён этади.

“Қаноат тариқиға кир...” қитъасини шарҳлар экан “Лисон ут-тайр” достонидан бир ҳикоятни келтиради ва унинг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида эканлигини айтиб, нақшбандийлик моҳиятини очади: “Демак, Нақшбандий тариқатининг фалсафий ахлоқий замини Ишқ. Бу таълимотга қаноат нури, шукуҳи муҳаббатдир...”

Нақшбандий дунёқараши ботинан (ичдан) худо билан, зоҳиран (ташқаридан) одамлар билан бўлиш кераклигини ёқлайди”[Ҳаққулов,1991.15-б.].

Таҳлил асносида олим нақшбандийликдаги “хилват дар анжуман”, “сафар дар ватан” шартларининг моҳиятини чуқур очиб беради. Айниқса, “Сафар дар ватан”нинг шарҳи ўқувчини ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлаши билан эътиборга лойиқ: “ Кишининг инсонийлигини белгилайдиган бош мезон эса туғилишиданоқ Ватанини танишидир. Бу – Ватанга сафардир. Буни шаҳар ва қишлоқлар, боғу саҳроларни кезиш дебгина тушуниш керак эмас, албатта. Ватанга сафар – она юрт тарихи, бугуни ва келажакка саёҳат”[Ҳаққулов,1991.16-б.]. Олимнинг бу каби шарҳи, Нақшбандийнинг “Сафар дар ватан” деган тушунчасини мана шундай миқёсларда қабул этиш зарурлигини таъкидлаши билан Нақшбандий, Навоий ва тасаввуф тариқати томонидан илгари сурилган ғояларнинг бугунги кундаги аҳамияти ва заруратини англашга кўмаклашади, китобхонни Навоийнинг инсонийлик ғояларига эргашишга даъват этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, И.Ҳаққуловнинг Навоий ижодини тарғиб қилиш йўлидаги заҳматли фаолияти ўз вақтида китобхонлар оммасининг эҳтиёжини қондирди ва навоийшунослик фанининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. И.Ҳаққуловнинг замонавий шарҳлардан

иборат тадқиқотларига шу жиҳатдан қаралса, унинг муҳим томонлари кўзга ёрқин ташланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳаққул И. Камол эт касбким. “Чўлпон”. - Тошкент-1991
2. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. - Тошкент:1991
3. Қозоқбой йўлдош. Бадиий таҳлил асослари. -Тошкент.2013

**НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ
ОММАЛАШТИРИШДА АКАДЕМИК ТЎРА МИРЗАЕВ ИЛМИЙ
ИЖОДИНИНГ ЎРНИ**

Нигора АБДУСАЛОМОВА,

(Ўзбекистон миллий университети магистранти)

Маълумки, буюк сўз устаси Алишер Навоий бадиий адабиёт дурдоналарини қанчалик қадрлаган бўлса, халқ оғзаки ижоди асарлари ва бундай номоддий маданий мерос намуналарини авлоддан-авлодга етказувчи ижрочиларнинг ижодий иқтидорига юксак баҳо берган. Шоир асарларида ўша давр ўзбек фольклорининг афсона, ривоят, нақл, достон, қисса, аёлғу, чинка, ёр-ёр, ўланг каби жанрлари номини билдирувчи луғавий бирликлар мавжудлиги ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Шу боис, Алишер Навоий ва халқ ижодиёти муносабатини тадқиқ этишда масаланинг қуйидаги уч жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади: биринчиси, фольклор сюжетлари, мотив ва образларининг шоир асарларидаги бадиий талқини, яъни мумтоз адабий матндаги фольклоризмлар семантикасини тадқиқ этиш бўлса, иккинчиси, шоир асарларининг халқ оғзаки бадиий ижоди ривожига тутган ўрни, хусусан, халқ бахшилари ва қиссахонлар эпик репертуаридан жой олган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом” каби асарларнинг пайдо бўлишида шоир достонларининг таъсирини аниқлашдан иборатдир. Учинчи йўналиш эса Алишер Навоий тўғрисидаги халқ ривоятлари, нақл ва ҳикоятларинининг юзага келиш тарихи, сюжет тизимининг манбалари ва бадиий эволюциясини ойдинлаштиришдир.

Алишер Навоий ҳақидаги халқ афсоналари, ҳикоятларини ёзиб олиш, оммалаштириш ишларида фольклоршунос олим Тўра Мирзаев фаолиятининг ўз ўрни бор. Хусусан, Тўра Мирзаевнинг Малик Муродов ва Зубайда Ҳусаинова билан ҳамкорликда тузилган “Доно Алишер” тўплами Навоий ҳақидаги афсоналарнинг алоҳида тўплам сифатидаги биринчи нашри бўлган. “Доно Алишер” тўплами 19 афсона (ҳикоя)дан иборат бўлиб, ундаги “Навоий ва Лутфий”, “Навоий ва Осафий”, “Қуш” ва “Чумоли” Хондамирнинг

<i>З.Л. Умуров</i> ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ БОБУРНОМА”СИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ВАСФИ.....	298
<i>M.Q. Choriyeva</i> ABDURAHMON TAMKIN VA U YASHAGAN DAVR IJODKORLARI IJODIGA ALISHER NAVOIY ASARLARINING TA’SIRI.....	301
<i>D.I. Haydarova</i> GHAZALS OF ALISHER NAVOIY THROUGH THE EYES OF DENNIS DALY	304
<i>I.O. Hamidova</i> “MA’NAVIYAT” (SPIRITUALITY) IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES.....	305

6-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНING ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИЛИШИ МУАММОЛАРИ

<i>Ахмедова Шоира</i> ЭССЕДА БУЮК ШОИР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....	310
<i>Боқижон Тўхлиев</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ШАРҲИ – ЎҚУВЧИЛАРДАГИ АДАБИЙ ҚИЗИҚИШЛАРНИ ОШИРИШ ОМИЛИ.....	314
<i>Bafoyeva Nigora, Quvatillayeva</i> NIGINA LITSEY VA MAKTAB DARSLIKLARIDA NAVOIY IJODINING O’RGANILISHI.....	318
<i>Berdiyev X.X., Zaripova Zulfizar</i> MAKTAB DARSLIKLARIDA ALISHER NAVOIY LIRIKASINING O’RGANILISHI.....	321
<i>Gulova Anorgul, Xoliqulov Muhammad</i> HAZRAT NAVOIY ASARLARINI O’RGANISH KO’ZGUSI.....	325
<i>Давронова Шохсанам</i> УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ.....	329
<i>Mirsharipova Shahzoda</i> TARIXIY ASARLARDA ALISHERNING BOLALIGI TAIQINI.....	335
<i>Насима Қодирова</i> КИЧИК ЖАНРЛАР ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ НАВОИЙНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	338
<i>Нигора АБДУСАЛОМОВА</i> НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШДА АКАДЕМИК ТЎРА МИРЗАЕВ ИЛМИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ.....	342
<i>Норова Насиба</i> УСМОН ҚЎЧҚОР ИЖОДИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ.....	345
<i>Nafosat O’roqova, Nigora Shomurodova</i> NAVOIYIJODINI O’RGANISHDAGI AYRIM MASALALAR.....	349
<i>Obidjon KARIMOV</i> HOZIRGI YOSHLAR MA’NAVIYATINI RIVOJLANTIRISHDA ALISHER NAVOIYNING O’RNI.....	352
<i>Qudratova Muborak</i> FITRAT – “FARHOD VA SHIRIN” TADQIQOTCHISI.....	355
<i>Rajabov Dilshod Zaripovich, Ahrorova Nigina Anvarovna</i> O’RTA MAKTABDA ALISHER NAVOIY QIT’ALARINI O’RGANISH.....	358